

**KONFERENSIYALAR UZ**

ANJUMANLAR PLATFORMASI

**I RESPUBLIKA ILMIY-  
AMALIY KONFERENSIYASI**

**YANGI DAVR ILM-  
FANI: INSON UCHUN  
INNOVATSION G'OYA  
VA YECHIMLAR**

**MAY, 2025**

**ELEKTRON NASHR:**

<https://konferensiyalar.uz>

<https://sp-press.uz>



# **YANGI DAVR ILM-FANI: INSON UCHUN INNOVATSION G'OYA VA YECHIMLAR**

**I RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY  
KONFERENSIYASI MATERIALLARI**

2025-yil, 7-may

**TOSHKENT-2025**

**Yangi davr ilm-fani: inson uchun innovatsion g'oya va yechimlar.**  
I Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. – Toshkent:  
Scienceproblems team, 2025. – 137 bet.

**DOI:** <https://doi.org/10.47390/spro/i-res-konf-2025>

**Elektron nashr:** <https://konferensiyalar.uz> | <https://sp-press.uz>

**Konferensiya tashkilotchisi:** “Scienceproblems Team” MChJ

**Konferensiya o'tkazilgan sana:** 7-may, 2025-yil

**Mas'ul muharrir:**

Isanova Feruza Tulqinovna

**Annotatsiya**

Mazkur to'plamda “Yangi davr ilm-fani: inson uchun innovatsion g'oya va yechimlar” mavzusidagi I Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari jamlangan. Nashrda respublikaning turli oliy ta'lim muassasalari, ilmiy markazlari va amaliyotchi mutaxassislari tomonidan tayyorlangan maqolalar o'rin olgan bo'lib, ular ijtimoiy-gumanitar, tabiiy, texnik va yuridik fanlarning dolzarb muammolari va ularning innovatsion yechimlariga bag'ishlangan. Ushbu nashr ilmiy izlanuvchilar, oliy ta'lim o'qituvchilari, doktorantlar va soha mutaxassislari uchun foydali qo'llanma bo'lib xizmat qiladi.

**Kalit so'zlar:** ilmiy-amaliy konferensiya, innovatsion yondashuv, zamonaviy fan, fanlararo integratsiya, ilmiy-tadqiqot, nazariya va amaliyot, ilmiy hamkorlik.

**Barcha huquqlar himoyalangan.**

© “Sciences problems team” MChJ, 2025-yil

© Mualliflar jamoasi, 2025-yil

## MUNDARIJA

### BIOLOGIYA FANLARI

|                                                                                                                                                       |     |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <i>Боймуродов Хусниддин, Пардаев Юнус, Хафизова Малика</i><br>APORRECTODEA ROSEA (SAVIGNY, 1826) ЁМҒИР ЧУВАЛЧАНГИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА<br>ЭКОЛОГИЯСИ..... | 6-9 |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|

### -TEKNIKA FANLARI

|                                                                                                                                                                                                                  |       |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| <i>Инагамов Бобур</i><br>СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ СОҲАЛАРИДА АМАЛИЙ<br>ТАЖРИБАГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМНИ ШАКЛЛАНТИРИШ: ДУАЛ ТАЪЛИМ МОДЕЛИ:<br>КОРХОНА ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК..... | 10-13 |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|

### TARIX FANLARI

|                                                                                                                                                         |       |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| <i>Umarov Sardor</i><br>GERMANIYANING ILMIY-MADANIY TARAQQIYOTIDA O'ZBEKISTON VA GERMANIYA XALQ<br>DIPLOMATIYASI DOIRASIDAGI HAMKORLIGINING O'RNI ..... | 14-21 |
| <i>Suyarov Maxmudjon</i><br>ELLINIZM DAVRIDA YUNON YOZUVINING O'RTA OSIYODAGI<br>MAHALLIY TILLARGA TA'SIRI .....                                        | 22-27 |

### IQTISODIYOT FANLARI

|                                                                                                                                                  |       |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| <i>Madartov Bahrom</i><br>PAXTA TO'QIMACHILIK KLASTERLARIDA BOSHQARUV HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH<br>YO'NALISHLARI .....                          | 28-31 |
| <i>Mahsudov Muzaffar</i><br>DIGITAL TRANSFORMATION AS A CATALYST FOR SUSTAINABLE DEVELOPMENT IN<br>INDUSTRIAL ENTERPRISES.....                   | 32-35 |
| <i>Axmedov Latayibxon</i><br>AKSIYADORLIK JAMIYATLARIDA O'Z KAPITALI HISOB TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH<br>YO'NALISHLARI VA ISTIQBOLLARI .....     | 36-39 |
| <i>G'afurova Dilshoda</i><br>OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA INNOVATSION FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH<br>MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI ..... | 40-43 |

### FALSAFA FANLARI

|                                                                                                 |       |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| <i>Danabayev Xurshid</i><br>KAMBAG'ALLIK TUSHUNCHASINING IJTIMOY – FALSAFIY MOHIYATI.....       | 44-47 |
| <i>Norliyev Rustam</i><br>INSON VA JAMIYAT O'RTASIDAGI MUVOZANAT: IJTIMOY-FALSAFIY TAHLIL ..... | 48-51 |

### FILOLOGIYA FANLARI

|                                                                                                                       |       |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| <i>Abdubannoyeva Aziza</i><br>PSIXOLINGVISTIK TAHLIL METODLARI .....                                                  | 52-54 |
| <i>Abdumajitov Khurshid</i><br>THE PHENOMENON OF ANTONYM IN THE LEXICON OF SUMMER SPORTS IN ENGLISH AND<br>UZBEK..... | 55-57 |

*Asqaraliyeva Dilshoda*

O'ZBEK XALQ MAQOLLARIDAN MUMTOZ ADABIYOTDA FOYDALANISH VA ULARNING  
TARBIYAVIY-AXLOQIY XUSUSIYATLARI ..... 58-60

*Исматова Наталья*

ИСТОКИ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ОБРАЗА ИСТОРИЧЕСКОЙ ЛИЧНОСТИ В УЗБЕКСКОЙ  
ЛИТЕРАТУРЕ ..... 61-65

## **YURIDIK FANLAR**

*Холов Утқир*

ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА  
ҚАЙТА КЎРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ..... 66-69

*Otamirzayev Oybek*

YER OSTI SUVLARI HOLATIDA HUQUQIY BIR NAZAR..... 70-73

*Ergashova Shahrizoda*

TRIPS VA WIPO SHARTNOMALARI DOIRASIDA RAQAMLI AKTIVLAR HUQUQIY MAQOMINING  
EVOLYUTSIYASI ..... 74-76

*Burxonov Shahzod*

XALQARO MEHNAT TASHKILOTI VA UNING XALQARO MEHNAT STANDARTLARINI ISHLAB  
CHIQISHDAGI O'RNI ..... 77-80

## **PEDAGOGIKA FANLARI**

*Haqberdiyev Baxtiyor*

O'QUV FAOLIYATI TAMOIYILLARIDA INTEGRATIV  
VA SINERGETIK YONDASHUVLAR ..... 81-83

*Исмагилова Мадинабону*

НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЕ РЕШЕНИЯ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ОТЕЧЕСТВЕННОГО  
И ЗАРУБЕЖНОГО ИНТЕРЬЕРНОГО ДИЗАЙНА ..... 84-86

*Olimov Talat*

O'QITUVCHILARDA MEDIASAVODXONLIK KO'NIKMALARINI TAKOMILLASHTIRISH  
USULLARI ..... 87-89

*Kamolova Umida*

O'QUVCHILARDA ESTETIK DIDNI SHAKLLANTIRISHDA POETIK TAHLILLAR ..... 90-92

## **TIBBIYOT FANLARI**

*Tursunova Laylo, Qilichov Sherbek*

SURUNKALI BUYRAK KASALLIKLARI BOR BEMORLARDA ARTERIAL  
GIPERTENZIYANING RIVOJLANISH MEKANIZMI VA BUYRAKLARNING FUNKSIONAL  
FAOLIYATIGA TA'SIRI ..... 93-102

*Сафоева Саломат*

КЛИНИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ КОМПЛЕКСНОГО ЛЕЧЕНИЯ ПАЦИЕНТОК С  
ПОЛИКИСТОЗОМ ЯИЧНИКОВ АССОЦИИРОВАННЫМ С ГИПОФУНКЦИЕЙ ЩИТОВИДНОЙ  
ЖЕЛЕЗЫ ..... 103-106

*Ergashev Bekzod*

JINSIY XROMOSOMALARDA GENLARNING ANORMAL KO'RINISHI ..... 107-112

*Jurayeva Gulasalxon*

REVMATOID ARTRIT BILAN OG'RIGAN BEMORLARDA SURUNKALI BUYRAK KASALLIKNING  
RIOVLANISH XAVF OMILLAR, KASALLIKNING TARQALGANLIGI VA BUYRAKLAR  
ZARARLANISH VARIANTLAR ..... 113-121

*Ro'zumbetova Safura, Umarova Zamira*

PODAGRIK NEFROPATIIYADA BUYRAKLARNING SHIKASTLANISH MEXANIZMI ..... 122-127

#### **FARMATSEVTIKA FANLARI**

*Shakirova Dinora, Xabibullayeva Shoir*

DETERMINATION OF THE ANTIMICROBIAL EFFECT  
OF DRIED RASPBERRY LEAVES ..... 128-132

#### **PSIXOLOGIYA FANLARI**

*Bekmuratova Xalima*

ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI AKADEMIK LITSEY O'QUVCHILARIDA KASBIY MOTIVATSIYANI  
SHAKLLANTIRISH: IJTIMOIIY MUHITNING TA'SIRI ..... 133-136

## TEXNIKA FANLARI

### **СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ СОҶАЛАРИДА АМАЛИЙ ТАЖРИБАГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМНИ ШАКЛЛАНТИРИШ: ДУАЛ ТАЪЛИМ МОДЕЛИ: КОРХОНА ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК**

**Инагамов Бобур**

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Техник  
жиҳатдан тартибга солиш агентлиги  
Инсон ресурсларини ривожлантириш  
ва бошқариш бўлими бошлиғи  
Тел.: +998 93 388 19 80  
Ўзбекистон, Тошкент

**Аннотация.** Мазкур мақолада сифат менежменти ва маҳсулотларни сертификатлаштириш соҳаларида мутахассислар тайёрлаш жараёнида амалий тажрибанинг аҳамияти ҳамда дуал таълим модели орқали таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликнинг самарадорлиги таҳлил қилинган. Дуал таълим модели назарий ва амалий таълимни уйғунлаштириш орқали юқори малакали кадрларни тайёрлашда муҳим восита ҳисобланади. Мақолада Германия ва Ўзбекистон тажрибалари мисолида ушбу моделнинг афзалликлари кўрсатилган ҳамда корхоналар билан таълим муассасалари ўртасидаги самарали ҳамкорлик шакллари тавсифланган.

**Калит сўзлар:** дуал таълим, сифат менежменти, сертификатлаштириш, амалий тажриба, корхона-таълим ҳамкорлиги, ISO стандартлари.

### **DEVELOPMENT OF EDUCATION BASED ON PRACTICAL EXPERIENCE IN THE FIELDS OF QUALITY MANAGEMENT AND CERTIFICATION: A DUAL LEARNING MODEL: COLLABORATION BETWEEN ENTERPRISE AND EDUCATIONAL INSTITUTIONS**

**Bobur Inagamov**

Head of the Department for Human Resources  
Development and Management Agency for Technical  
Regulation under the Cabinet of Ministers,  
Tel.: +998 93 388 19 80  
Tashkent, Uzbekistan

**Abstract.** This article analyzes the importance of practical experience in the training of specialists in the fields of quality management and product certification, as well as the effectiveness of cooperation between education and production within the framework of the dual education model. The dual education model serves as a vital mechanism for preparing highly qualified personnel by integrating theoretical and practical learning. The article highlights the advantages of this model through examples from Germany and Uzbekistan and outlines effective forms of collaboration between enterprises and educational institutions.

**Keywords:** dual education, quality management, certification, practical experience, enterprise-education cooperation, ISO standards.

**DOI:** <https://doi.org/10.47390/spro/i-res-konf-2025-2>

Сифат менежменти ва маҳсулотларни сертификатлаштириш соҳалари мутахассисларидан юқори малакани, назарий билимлар билан бир қаторда амалий кўникмаларни ҳам талаб этади. Бугунги кунда меҳнат бозоридаги талаб ва таълим муассасаларидаги таълим мазмуни ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш учун дуал таълим моделига асосланган ёндашув муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дуал таълим модели — бу назарий таълимни корхонадаги амалий таълим билан биргаликда олиб бориш тизимидир. Бу модел Германия, Швейцария ва Австрия каби мамлакатларда кенг қўлланилиб, ёш мутахассисларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлашда ўз самарасини кўрсатган. Масалан, Германияда ҳар йили 1,5 миллионга яқин талабалар дуал таълим тизимида иштирок этади.

Бу моделнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат: амалий кўникмаларни ривожлантириш; таълим ва иш ўртасидаги узвий боғланиш; меҳнат бозори эҳтиёжларига тез мослашиш; корхоналар учун малакали кадрларни тайёрлаш имконияти.

Сифат менежменти соҳасида мутахассисдан ISO 9001, ISO 14001, ва бошқа халқаро стандартлар бўйича билимлар, сифат назорати усуллари, ички ва ташқи аудит жараёнлари ҳамда барқарор ривожланиш принципларини қўллаш кўникмалари талаб этилади.

Масалан, «UZCERT» сертификатлаштириш марказида тажриба ўтаётган талабалар ISO стандартлари бўйича ҳужжатлар тайёрлаш ва ички аудитни ўтказишда қатнашадилар. Бундай амалий машғулотлар уларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлайди.

Сертификатлаштириш жараёнида эса маҳсулотнинг сифатини текшириш, техник ҳужжатларни расмийлаштириш, синов лабораторияларида тестлаштириш каби вазифалар амалга оширилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш – маҳсулот, хизмат ва жараёнлар сифатини таъминлаш ҳамда хавфсизлигини назорат қилишда муҳим механизм ҳисобланади. Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар, рақобатбардош иқтисодиётга ўтиш ва экспорт салоҳиятини ошириш жараёнлари техник тартибга солиш соҳасида мутахассислар салоҳиятини оширишни талаб этмоқда. Бунда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг самарадорлиги ва унинг халқаро стандартларга уйғунлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2024 йил 27 февралдаги ПФ-41-сон Фармони[1] билан Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказилди.

Фармон билан қуйидагилар Агентлик фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан миллий мувофиқликни баҳолаш, синов ҳамда ўлчаш натижаларини экспорт бозорларида тан олиш борасида ҳамкорликни кенгайтириш;

маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар ва техник регламентларни жорий этиш орқали уларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш бўйича манзилли чоралар кўриш;

маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сифати ва хавфсизлик талабларига риоя этилиши ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини нотўғри ўлчаш натижаларининг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, шу жумладан стандартлаштириш ва метрология соҳаларидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўриш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини рақамлаштириш орқали самарадорлик ва натижадорликка эришиш, тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари турларини кенгайтириш, шаффоф ва коррупциядан ҳоли самарали тизимни жорий этиш.

Шунингдек, жорий йилнинг 20 июнь куни муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбарининг олимлар, техник йўналишдаги олийгоҳ кафедра мудирлари, ўқув ва илмий марказлар раҳбарлари билан мулоқоти бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида билдирилган фикр ва таклифларни чуқур ўрганиб, амалиётга жорий этиш юзасидан мутасаддиларга қатор топшириқлар берди. Шу нуқтаи назардан, ушбу соҳага юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласи кун тартибига чиқди ва бунда дуал таълимга эътиборга қаратишга алоҳида урғу берилди. Бугунги кунда Агентликда ушбу йўналишда бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳаси йўналишларида Ўзбекистон таълим тизимида дуал таълим, амалиётга йўналтирилган фанлар ва ISO талабларига мувофиқ ўқув дастурларини жорий этини янада жадаллаштириш мақсадга мувофиқ. Албатта, дуал таълим бўйича ҳуқуқий асос мавжуд[2]. Ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ушбу йўналишдаги ишларнинг янада самарали бўлишини таъминлайди. Шунингдек, халқаро тажриба асосида сертификатлашган малака тизимини жорий этиш, таълимнинг мазмунини рақамлаштириш, ҳамкорлик платформаларини ташкил этиш зарур. Компетенцияга асосланган кадрлар тайёрлаш модели миллий ислохотларни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Маҳаллий ва халқаро тажрибалар ҳамда [3,4] адабиётларнинг таҳлилидан дуал таълимнинг самарадорлигини яққол сезиш мумкин. Дуал таълим шаклда ўқитиш жараёни касбий кўникмаларини, яъни талабаларнинг касбий компетенциялари таркибига кирувчи малака ва кўникмаларини оширади. Янги билимлар, назариялар, ғоялар, технологик лойиҳалар бевосита ишлаб чиқариш жараёни муҳитида белгиланган ўқув режасининг мазмунининг амалий қисмини –корхоналардаги тўпланган амалий тажрибани бирлаштириш орқали мустаҳкамланади, моддий-илмий маҳсулотга айланиши таъминланади. Бу талабаларга назарий билимларини амалиётга айлантириш ва қўшимча ўқув йиллари ва қўшимча молиявий харажатларни бартараф этган ҳолда кучли даъвогар сифатида меҳнат бозорига кириш имконини беради.

Дуал таълим моделини самарали амалга оширишда корхона ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорлик муҳим рол ўйнайди. Бу ҳамкорлик қуйидаги шаклларда намоён бўлади: қўшма ўқув дастурларини ишлаб чиқиш; корхона мутахассисларининг маъруза ва амалий машғулотларда иштирок этиши; ишлаб чиқариш базасида стажировкалар ташкил этиш; талабаларнинг иш самарадорлигини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш.

Масалан, “UzAuto Motors” компанияси Тошкент давлат техника университети билан ҳамкорликда сифат назорати ва маҳсулотни сертификатлаштириш соҳалари бўйича махсус курслар ташкил этган. Бу орқали талабалар иш жараёнларида бевосита қатнашиб, реал муаммолар ечимида иштирок этмоқда.

Сифат менежменти ва сертификатлаштириш соҳаларида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда дуал таълим модели муҳим механизм ҳисобланади. Таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги самарали ҳамкорлик — амалий билим ва қўникмаларни шакллантиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб қуйидаги тавсияларни бериш мумкин: дуал таълимни қонунчилик асосида тартибга солиш; корхоналарни таълим жараёнига кенг жалб этиш; моддий-техник база ва ўқитувчи кадрлар салоҳиятини ошириш; ҳамкорлик самарадорлигини баҳолаш тизимини яратиш.

Бундай ёндашув орқали нафақат битирувчиларнинг ишга жойлашиш имкониятлари ошади, балки миллий иқтисодиётнинг инновацион салоҳияти ҳам юксалади.

#### **Adabiyotlar/Literatypa/References:**

1. <https://lex.uz/docs/6821843/> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2024 йил 27 февралдаги ПФ-41-сон Фармони.
2. <https://lex.uz/ru/docs/7332601/> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 16 январдаги 14-сон Қарори.
3. Melin, G. et al. (2016): Towards a future proof system for higher education and research in Finland. Publications of the Ministry of Education and Culture, Finland, 2015. <http://www.minedu.fi/OPM/Julkaisut/2015/liitteet/okm11.pdf>
4. Yu, L. (2012): Research on the Cooperative Education Model Cultivating In Higher Vocational Education. Education and Management Engineering, vol. 1, pp. 35-41.